



СТИР- 207242599 x/p 20 208 000 200 642 184 001 "Узмиллийбанк" Андижон вилоят бўлими МФО- 00074

“IMKON FINANS mikromoliya tashkiloti” АЖ нинг 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача бўлган даври якуни бўйича молиявий хўжалик фаолияти учун миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисоботини аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра фикр билдирилган

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Аудиторлик ташкилоти номи:

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «ASR AUDIT ANDIJON» аудиторлик ташкилоти. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2016 йилнинг 15 июльда "1101"- тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Лицензия: №00777, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда берилган.

Жамият ҳисоб рақами- 20 208 000 200 642 184 001 "Узмиллийбанк" Андижон вилоят бўлими МФО- 00074 да фаолият курсатади.

Манзили: Андижон шаҳар Навои шох кўчаси 33-уй.

Биз Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «ASR AUDIT ANDIJON» аудиторлик ташкилоти директори, аудитори Ё.Насирдинова (аудиторлик малака сертификати № 05630 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 4 октябрда берилган.) «IMKON FINANS mikromoliya tashkiloti» АЖ нинг 2021 йилнинг 31 декабрь санасига тузилган Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботидан иборат бўлган молиявий ҳисоботларини жамият билан 2022 йилнинг 11 май санасида расмийлаштирилган 33-сонли шартномага асосан 2022 йилнинг 1 январдан 31 декабрга қадар бўлган давр мобайнида уларнинг ишончлилигини аниқлаш мақсадида мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Ижобий фикр.

Бизнинг фикримизча, «IMKON FINANS mikromoliya tashkiloti» АЖнинг 2022 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Фикр билдириш учун асос.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Хужалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, дастлабки ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Аудиторлик ташкилоти "IMKON FINANS mikromoliya tashkiloti" АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларни барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг ҳаракатдаги стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бизга миқдор корхона молиявий ҳисоботини жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақазо этади.

«ASR AUDIT ANDIJON» МЧЖ шаклидаги

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор



Ё.Насирдинова

Хулоса тузилган сана

11 январ 2023 йил

№ 1

Директор, аудитор _____ Ё.Насирдинова